



Куч-АДОЛАТДА

2012 йил,
20 июль,
жума
№ 28 (385)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Истиқлол йилларида мамлакатимиз юксак даражада тараққий этгани бугун чирой очаётган шаҳару қишлоқларимиз қиёфасида, халқимиз турмуш даражаси фаровонлашганда яққол намоён бўлаётир. Бу, албатта, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида изчил амалга оширилаётган ислохотлар самарасидур.



Тараққиётнинг ойдин йўллари

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга муваффақиятли жорий этилган «Ўзбек модели», яъни иқтисодиётни мафқурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариб, ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини

таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни бошқичма-бошқич ҳамда изчил олиб бориш тамойилларига асосланган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг самараларини бугун нафақат юрдошларимиз, балки хорижликлар ҳам эътироф этишмоқда. Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган


банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари

томонидан эътироф этилгани ҳам бунинг яққол исботидир. Шуниси эътиборга молиқки, изчил қадамлар ва ютуқларнинг салмоғи йил сайин ошиб бораётган. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 июлда бўлиб ўтган жорий йил биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари муҳокамасига бағишланган

мажлисида қайд этилганидек, мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари таъминланиб, макросиқтисодий барқарорлик мустаҳкамланмоқда. Жорий йилнинг I ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,1 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 7 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 7,1 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми — 8,6 фоизни ташкил этди.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини давом эттириш ҳамда маҳаллий товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми — 25,7 фоизга, чакана товар айланмаси — 12,5 фоизга ва хизматлар — 14 фоизга ўсишини таъминлади. Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳаси улushi 2011 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича 48,3 фоиз ўрнига 52,2 фоизгача ўсди.

(Давоми иккинчи бетда)




Маълумки, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида жинорий жазоларнинг либераллаштирилгани алоҳида аҳамият касб этди. 2001 йилда «Жинорий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилингани бу жараёнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Insonparvarlik tamoyillari

Етказилган зарарни қоплаш

жазони енгиллаштиришга асос бўлади



Ушбу қонунга биноан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркуми кенгайтирилди, хусусий мулк дахлсизлиги кафолати сифатида мол-мулк мусодараси жазо тизимидан чиқарилди, етказилган моддий зарар ихтиёрий тарзда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайдиган бўлди, дастлабки тергов ва эҳтиёт

чораси сифатида қамоқда сақлаб туриш муддатлари қисқартирилди, амалдаги қонунчиликка ярашув институти киритилди. Айтиш керакки, ушбу ўзгартиришлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko'magi

Фуқаролар мурожаати — доимий эътиборда

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида фуқаролар мурожаати институти шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Энг муҳими, бу борада мустақкам ҳуқуқий асосларнинг яратилгани амалда қутилган самарани бермоқда.

(Давоми иккинчи бетда)



Fuqarolik qonunchiligi

Уй-жойга эгаллик ҳуқуқи у қандай тартибда белгиланади?

Аввало шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 182-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи меҳнат, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мол-мулкни хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асосларга кўра, вужудга келади.

Бинобарин, уй-жойга эгаллик ҳуқуқини белгилаш мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асосларидан бири бўлиб, амалдаги қонун талабига кўра, яқна тартибда қурилган уй-жойга мулк ҳуқуқи уй-жой қурилган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори ва суд қарорига асосан белгиланади.

Ҳокимнинг қарори билан уй-

жой қуриш учун ажратилган ёки кимоводи савдосида сотиб олинган ер майдонига тегишли тартибда рухсат олинган ҳолда қурилган уй-жойларга нисбатан эгаллик ҳуқуқи шу уйни қурган шахснинг аризасига асосан уй қурилган жойдаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан белгиланади.

Фуқаро ўзга шахснинг фой-

даланишида бўлган ер майдонига унинг розилиги ва шаҳар (туман) ҳокимлиги архитектура ва қурилиш бошқармасининг рухсати билан иморат қурганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган тақдирда, уйга эгаллик ҳуқуқи суд тартибда белгиланиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

Qaror va ijro

Муборак ой шукуҳи

Муқаддас динимизнинг энг муҳим арконларидан бири адо этиладиган Рамазон ойи кириб келди. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2012 йил 17 июлда қабул қилинган «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан эзгулик ва меҳр-муҳаббат, хайр-саховат ва шукроналикка йўғрилган мазкур фазилатли ойни юртимизда кўтаринкилик, ҳамжиҳатлик билан ўтказиш чоралари кўриломоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдулазиз МАНСУР Рамазон ойининг халқимиз ҳаётидаги ўрни ҳамда мамлакатимизда уни миллий қадриятларимизга мос тарзда нишонлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Истиқлол шарофати билан юртимизда миллий-диний қадриятларимиз тикланиб, Рамазон, Қурбон ҳайити каби ибодат ва маросимларни мукамал адо этиш, фазилатли кунлар шарофатидан баҳраманд бўлишга кенг йўл очилди. Халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқиб, муборак Ҳаж ва Умра зиёратларига бориш имкониятига эга бўлди. Диний адабиётларнинг нашр қилиниши, маросимларимиз ва миллий урф-одатларимизни эмин-эркин адо этиш бахтига мушарраф бўлганимиз ва бошқа қўллаб-қувватлаш, зиёрат-гоҳларни ободонлаштириш, бунинг учун ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2012 йил 17 июлда қабул қилинган «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида»ги қарорига бу ой билан

боғлиқ тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъозлаш, мамлакатимизда муқаддас динимизни тиклаш, буюқ алломалар, азиз-авлиёларимизнинг бой илмий-маърифий меросини чўқур ўрганиш, уларнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасидаги кенг кўламли ишларимизни тарғиб этиш, ушбу қутлуг ойда амалга оширилаётган хайрият тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёрат-гоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган ишларни янада кўчатиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Islahot va samara

Суд буйруғи институти

фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда

Суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган ислохотлар жараёнида соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалга ошириши учун қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига фуқаролик ишларини ҳал қилишнинг бирмунча соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи «Буйруқ тартибида иш юритиш» деб номланган 201-боб киритилгани ҳам бу фикрнинг яққол тасдиғидир.

Айтиш керакки, суд буйруғи фуқаролик ишини юритишнинг алоҳида тури сифатида ўзига хос хусусиятлари билан ажралди, шунингдек, суд мажлиси баённомаси кўрсатилган ҳужжатлар асосида чиқарилади,

яъни судья гувоҳнинг кўрсатмаларини, эксперт хулосаларини текширмайди, тарафларнинг тушунтиришларини эшитмайди, шунингдек, суд мажлиси баённомаси юритилмайди.

(Давоми учинчи бетда)

Mezon

Қонунга суянган ютқазмайди

Маълумки, ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур.


Фуқаролик кодексининг 214-моддасига асосан, ер, ерости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар республика мулкдир. Ер кодексининг 16-моддасида эса шундай дейилган: ер давлат

мулки — умуммиллий бойликдир, ундан оқилона фойдаланиш зарур, у давлат томонидан муҳофаза этилади ҳамда олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳада этилмайди, гаровга қўйилмайди.

(Давоми иккинчи бетда)

Qaror va ijro

Муборак ой шукуҳи



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мустиқиллик йилларида юртимизда ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган азиз-авлиёлариимизнинг хотираси тикланди. Зиёратгоҳлари обод этилиб, бой меросини ўрганиш бўйича кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилди ва бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бу юртдошларимиз қалбда истиклол берган неъматларга шукроналик, буюк алломаларимиз хотирасига юксак эҳтиром туйғуларини кучайтирди.

Мамлакатимизда диний эътиқод эркинлигининг таъминлангани, жумладан, ислом илмини ўқитишга ихтисослашган бир қатор таълим муассасаларининг фаолият юритиши боғлиқ бўлиши ва маънавий меросимизни улуғлаш йўлида улкан қадамлар ташланганидан қаноатли бўлишимиз шарт. Шунингдек, Тошкент ислом университети, Тошкент ислом институти каби олий таълим даргоҳлари, шунингдек, бир қатор ўрта махсус билим юрталарида ёшларнинг диний ва дунёвий илмларни эгаллашига ҳар томонлама пухта шарт-шароит яратилган.

Рамазон ойи билан боғлиқ тадбирлар юртимизда ҳар йил кўтаринкилик, ҳамжихатлик билан ўтказилади. Хайит намозлари тинчлик-осойишталикда, ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликда адо этилади. Бу эзгу ишларни муносиб тартибда ўтказишда тегишли ташкилот ва идоралар, маҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатадилар.

Муборак Рамазон ойида юртдошларимиз эзгу ишларни амалга оширишга шошиладилар. Аллоҳ таоланинг яхши ишлар учун ажру, мукофотларни бир неча баробар кўпайтирадиган бу кунларни ганимат билиб, хайрли амалларни кўпайтиришга, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга, халқимизга хос фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни улуғлашга интиладилар.

Азиз ва муқаррам, ақл соҳиб қилиб яратилган инсон юксак одоб-ахлоқи билан ўзига юклатилган масъулиятли вазифани бажаришда Рамазон ойи рўзасидан ирода этилган ҳикматлар кўйидагича: Аллоҳ таоло томонидан фарз қилинган бешта ислом арконлари инсониятни баркамолликка етакловчи буюк таълимот бўлиб, буларнинг ичиди рўза ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Инсон

рўздорлиги туфайли ҳам руҳий, ҳам жисмоний покликка эришади, сабр-қаноатли ва тўрт буюк неъмат — моддий, жисмоний, маънавий-ахлоқий неъматлар соҳибига айланади.

Бу кутлуг ва баракотли ойда ҳар бир рўздор руҳан покланиб, эзгу ниётлар қилмоғи, ахлоқ-одоби ила бошқаларга ибрат кўрсатмоғи, меҳр-муруватли бўлмоғи даркор. Ҳар бир юмушнинг одоби бўлгани сингари, мана бу ойнинг ҳам кириб келишини қутиб олишнинг ўзига яраша одоби бор.

Шундай одоблардан бири бу, аввало, мўмин-мусулмонлар ўрталарида меҳр-муруват, эзгу ҳамжихатлик зиёда бўлиши учун бир-биридан хабар олиш лозимлигидир. Беморлардан хол сўраш, низолашганлар бўлса, яраштириш, кексаларни зиёрат қилиш, муборак қадамжоларни, қабристонларни ободонлаштириш, ўтганларнинг хотирасига эҳтиром кўрсатиш ҳам шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда мўмин-мусулмонлар Рамазон ойида рўза амалларини бажариши учун барча шароитлар яратилган. Масжидларимиз обод бўлиб, юртдошларимиз хотиржамликда ўз ибодатларини адо этиб келмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси мустиқилликимиз шарофати ҳамда давлатимиз раҳбарининг миллий-диний қадриятларимиз ривожига қаратаётган доимий эътибори туфайлидир.

Президентимиз томонидан Мустаҳкам оила йили, деб эълон қилинган ушбу йилда оилаларнинг бахти-саодати йўлида ҳар биримиз ўз имконият ва иқтидоримиз доирасида ҳаракат қилмоғимиз зарур. Динимиз ота-онани улуғлашга, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашга — оилани амалларни кўпайтиришга, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга, халқимизга хос фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни улуғлашга интиладилар.

Рамазон ойида саховатпешалик, меҳр-оқибат сингари инсонпарварлик туйғуларимиз янада кенгроқ намоён бўлади. Ушбу муборак ой бир неча йилдан буён энг улуг, энг азиз байрамимиз — истиқлол тантаналарига тўғри келаятгани унинг шукуҳи ва руҳини янада оширмоқда.

Рамазон ойини тинчлик, осойишталик ва хурсандчиликда ўтказиш ҳаммамизга насиб этсин. Юртимиз доимо тинч, халқимиз фаровон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Матназар ЭЛМУРОДОВ.
(УзА)

Mezon

Қонунга суйанган ютқазмайди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Демак, бундан кўринадики, ернинг ҳар бир қаричидан оқилона фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг бурчи саналади. Бироқ ҳаётда буни унутиб қўйдиган, ўзига ишониб топширилган ерга қандайдир муносабатда бўладиган кимсалар ҳам учраб туради. Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, Сарийосиё туманидаги «Хуфар» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган «Сардор Осие агро» фермер хўжалиги тасарруфдаги ер майдонини айрим кимсалар ўзбошимчилик билан уй-жой қуриш, ёрдамчи хўжалик сифатида фойдаланиш мақсадида ноқонуний равишда эгаллаб олган.

Холбуки, ерга эгалик қилиш, яқка тартибда иморат қуриш тартиби Ер кодексининг 26-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, ер участкаларини (ҳайдаладинг ерлар бундан мустасно) доимий эгалик қилишга ва фойдаланишга, мерос қилиб қолдириладиган умуддот эгалик қилишга, узоқ муддатли, вақтинча фойдаланиш-

га, ижарага ва мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ва участкасини сақлаш вазифасига оид мажбурийлик бажарилган тақдирда, ўзлари олган қорхона, бинолар, иморатлар, иншоотларни белгиланган тартибда қуриш, бузиш ва реконструкция қилишга ҳақлидирлар.

Бироқ «Сардор Осие Агро» фермер хўжалиги балансида турган ер майдонларини айрим фуқаролар ўзбошимчилик билан эгаллаб, уй-жой қуриб олган. Масалга оиднинг қиритиш мақсадида фермер бу ҳақда судга мурожаат қилган. Натижада суд ноқонуний эгалланган ерларни қайтариш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, уй-жой қуриш учун тегишли тартибда рухсат олиш мақсадга мувофиқ. Ана шундай йўл тутган, яъни қонунга суйанган одам ҳеч қачон ютқазмайди.

Шерали ШОДИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Сарийосиё туманлараро судининг раиси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, фаолиятига кенг йўл очилаётган оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва улуши салмоқли. Зеро, «**Мустаҳкам оила йили**» Давлат дастурига мувофиқ оила институти янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш янада кучайтирилди. Уларни молиялаштиришга барча манбалар ҳисобидан ўтган даврда 1,1 триллион сўмга яқин маблағ йўналтирилди.

Қайд этиш жоизки, оилавий тадбиркорликка қаратаётган эътибор юртдошларимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Зеро, оилавий бизнес, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **миллий аъналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд холатига тўла мос келади.**

Азалдан ота-боболаримиз, момоларимиз уй шароитида, бутун оила билан биргаликда турли касб-хунарлар билан шугулланиб келишган. Истиқлол туфайли бундай аъналар янада равшан топиб, миллий хунармандчилик тараққий этди. Буни зардўзу каштачилар, ёғоч ўймакорлиги усталари нафақат маҳаллий, балки дунё бозорига ўзига хос ўрин эгаллаётганидан ҳам билса бўлади.


Ана шундай касб соҳибларига қулай шарт-шароит яратиш, оилавий тадбиркорларнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида 2012 йил 26 апрелда «**Оилавий тадбиркорлик тўғрисида**»ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонун оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини тўлиқ қамраб олди. Унга кўра, оилавий тадбиркорлик — оила аъзолари томонидан таваққул қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Бугунги кунда яратилаётган бундай имкониятлардан ўз фаолиятида кенг фойдаланаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари сафи тобора кенгаймоқда. Пойтахтимизнинг Юнусobod тумани «Кулолқўрғон» маҳалласида яшовчи Моҳира Султонова ана шундай тадбиркорлардан бири. Кўп йиллардан бери миллий каштачилик буюмлари яратиш билан шугулланиб келаятган Моҳира учун «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилингани айтиш мумкин бўлади.

— Ўз уйимда фаолият олиб бориш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизни шу ерда сотиш имконияти яратилгани бизга жуда катта қулайлик бўлди, — дейди **М.Султонова**. — Илгари уйда савдо-сотик қилганимиз учун муайян қийинчиликлар бор эди. Ҳозирги кунда бунга рухсат берилгани ишлаб чиқаришнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Чунки товарни

Istiqlol imkoniyatlari

Тараққиётнинг ойдин йўллари



бозорга олиб чиқиш, сотиш учун ҳам анча вақт ва маблағ сарфланарди. Қолаверса, хунармандларни миқозлар кўпроқ уйига ахтариб келади.

Ҳозирги кунда хунарманд икки нафар қизи, келинлари, жиянлари ҳамда шоғирлар билан ўндан зиёд турдаги каштачилик маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. У яшаётган маҳалла фаоллари ҳам Моҳиранинг хунаридан ёшлар баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишга ҳаракат қилаётди. Маҳалла гузарига шу мақсадда ўқув курси ташкил этилган бўлиб, унда ўттиз нафар қизалоқ хунар сирларини ўрганимоқда.

Эътиборлики, Моҳира Султонова бошчилигида яратилаётган каштачиликнинг дурдона намуналари нафақат юртдошларимиз, балки хорижийлар эътиборига ҳам тушмоқда.

Тадбиркорлик ривожига, албатта, кредитлар муҳим ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан қонунда ушбу масалага ҳам кенг ўрин берилган бўлиб, оилавий қорхонани кредитлаш банк ёки бошқа кредит ташкили билан тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади. Дикқатга сазовор жойи шундаки, оилавий қорхонага кредитлар беришда банклар, бошқа кредит ёки сугурта ташкилотлари кафола бериши мумкин. Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкин. Илгари кредит олувчи кафолат сифатида фақат ўзига ёки яқинларига тегишли мулкни гаровга қўйиши, кафилни ўзи топи-

ши зарурлигини инobatга оладиган бўлсақ, яратилган имкониятнинг аҳамиятини чуқурроқ тушуниш мумкин.

Шу боисдан ҳам мазкур соҳадаги ишлар самарадорлиги ошмоқда. «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг бизнес лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилаётган. Ушбу йўналишни ривожлантиришга бу йил беш триллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, бунинг бир триллионини микрокредитлар ташкил қилади. Марказий банк маълумотига кўра, 2012 йилнинг 1 майига қадар ёш оилаларга ўз бизнесини ривожлантириши учун ажратилган кредитлар ҳажми 23,6 миллиард сўмни ташкил қилган. Шу жумладан, хотин-қизлар тадбиркорлиги учун ажратилган маблағлар миқдори 129,5 миллиард сўмни ташкил этгани оилавий бизнес ривожига кўрсатилган қўллаб-қувватлаш, бундай субъектлар фаолиятининг эркинлиги кафолатлари ҳам қонунда мустаҳкамлангани соҳа ривожига муҳим ўрин тутиши шубҳасиз. Жумладан, қонунда эътибор этилганидек, давлат оилавий қорхонанинг ҳуқуқлари ривож этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилишини кафолатлайди. Давлат органлари оилавий қорхонани ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қўмақлашиши шарт.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектларини фаолият

ти учун энг қулай шарт-шароитларни шакллантиришда Президентимизнинг 2012 йил 16 июлда «**Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги Фармони қабул қилингани алоҳида аҳамият касб этди. Унда хусусан, бир қатор давлат статистика, молия, солиқ ва бошқа турдаги ҳисоботларни ҳамда уларнинг даврийлигини қисқартириш, шунингдек, 80 та рухсат бериш тартиб-таомилларини ва 15 та фаолият турларини лицензиялашни бекор қилиш кўзда тутилган.

Булар, албатта, тадбиркорликнинг янада ривожланиши ва мамлакатимиз иқтисодиёти тараққий этишига пухта замин яратяптир. Ўз навбатида, бу аҳоли фаровонлиги ва бандлигининг энг муҳим омилларидан биридир. Вазирилар Маҳкамасининг мажлисида бу жараёнда эришилаётган ютуқлар, жумладан, аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимизда 2012 йилнинг 1 ярим йиллигида 510,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилгани, улардан 345 мингтадан ортиғи ёки 68 фоизга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилгани алоҳида эътироф этилди.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар, эришилаётган ютуқлар жамиятимиз ҳаётида ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун олаётгани, янгича маъно ва мазмун билан бойитиб бораётганини кўрсатади.

Норгул АБДУРАИМОВА

Qonun ko'magi

Фуқаролар мурожаати — доимий эътиборда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)


Айтиш керакки, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаш адлия идораларининг ҳам муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, вилоят адлия бошқармаси томонидан Питнак шаҳридаги «Пасттом» маҳалласида яшовчи М.Очилованинг мурожаати юзасидан ўрганиш ўтказилди. Аниқланишича, М.Очилованинг 2010 йил 4 июлда туғилган қизи Мақсуда Раҳмоновага нафақа таяинланган. Бироқ «Халқ банки»нинг Питнак филиали бухгалтер-назоратчиси С.Жуманиёзова 2011 йил январь ва

август ойлари учун ёзилган нафақа пулини ўз вақтида етказиб бермаган.

Ушбу камчиликларни бар-тараф этиш учун адлия бошқармаси томонидан «Халқ банки»нинг Хоразм вилояти филиалига тақдимнома киритилди. Тақдимнома банк филиалининг умумий йиғилишида афроғлича муҳокама этилиб, Питнак филиалининг бухгалтер-назоратчиси С.Жуманиёзова ва филиалнинг ахборотлаштириш шўъба мудир Д.Матқариевга «хайфсан» интизомий жазоси берилди.

Бундан ташқари вилоят адлия бошқармаси томонидан Кўшкўпир тумани, Кенегес қишлоғида яшовчи Р.Матниёзов ва А.Ражапованинг мурожаатлари ҳам ўрганиш қилинди. Гап шундаки, Г.Осупов ноқонуний иморат



қуриб, қўшнилари Р.Матниёзов ва А.Ражапованинг уйига ўтиладиган йилни тўсиб қўйган. Р.Матниёзов ва А.Ражапова бу ҳақда ўз вақтида туман ҳокимлигига мурожаат

қилишган. Аммо туман архитектура ва қурилиш бўлими бундан бундай чора-тадбирлар ва бўлим мутахассиси М.Матназаров фуқароларнинг мурожаатига масъулиятсизлик би-

лан қарашган. Натижада қонун талаби бузилиб, мурожаат қилган шахсларга ўз вақтида ёзма равишда жавоб берилмаган.

«**Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида**»ги қонун талабларига амал қилмаган Кўшкўпир тумани ҳокимлиги архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Р.Матқариев ва бўлим мутахассиси М.Матназаровга интизомий жазо чораси кўриш юзасидан вилоят архитектура ва қурилиш бошқармасига тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномага асосан, Р.Матқариев ва М.Матназаровга нисбатан Меҳнат кодексининг 181-моддаси 1-банди билан «хайфсан» интизомий жазоси қўлланилди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда фуқароларнинг мурожаати, қонунда белгиланганидек, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан батафсил ўрганилиб, тегишли тартибда ҳал этилаётди. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тоҳир БОБОЖОНОВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармасининг бўлими бошлиғи

Saboq

Зиммадаги

Мустиқиллик йилларида мамлакатимизда тўлақонли фаолият юритишга қодир, давлат ва жамиятнинг талаб-мақсадларига жавоб берадиган, барча шароитларга эга солиқ тизими шакллантирилган бугун амалда ўз самарасини бермоқда. Шунингдек, ўтган даврда солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юқини камайитириш, молиявий барқарорлиқни таъминлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини янада кенгайтириш борасида ҳам жуда муҳим тадбирлар амалга оширилди.

Масалан, охириги олти йил давомида ягона солиқ тўлови ставкасининг 15 фоиздан 5 фоизгача пастайтирилишига қарама-қарши, ушбу солиқ тури бўйича бюджетга тушумлар миқдори барқарор равишда ошиб келмоқда. Бунинг асосий сабаби мамлакатимизда кичик бизнес жадал тараққий этиб, унинг янги ички маҳсулотдаги улуши ортиб бораётгани билан изоҳланади.

Ҳаётда мана шундай кенг қўламли имконият ва имтиёزلар муҳайё этилганга қарамай, солиқ тўловларини тўлашдан атай бўйин товлайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Холбуки, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат томонидан белгиланган солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириши, камайитириш кўрсатиши, шунингдек, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан

турли йўللар билан бўйин товлаш бюджет сийсати барқарорлигига путур етказиши.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, «Гўзал тонг шабада» қорхонаси раҳбари вазифасида фаолият юритиб келган Х.Нарзиёев фойда қўриш мақсадида давлат томонидан белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган. СВОЖДЛҚК департаменти Навоий вилояти бошқармасининг қарорига асосан Кармана тумани давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтган ушбу хусусий қорхонанинг 2007 — 2010 йиллар давомидаги фаолияти бўйича ҳужжатли текшириш ўтказилганда, Х.Нарзиёевнинг қилмишлари ошқор бўлиб қолди. Гап шундаки, Х.Нарзиёев 2010 йил давомида солиқ солинадиган объектларни қасддан яшириб ва камайитириб кўрсатган, бажарилган ишлар ва

кўрсатилган хизматлар учун давлат солиқ инспекциясига ҳисобот топширмаган. Унинг бу қилмишлари оқибатида давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда — 16 миллион 748 минг 700 сўмлик зарар етган.

Бундан ташқари Х.Нарзиёев жиноий қилмишларини давом эттириб, Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги қарори талабларини қўпол тарзда бузган. Аниқроқ айтганда, у «Навоийазот» ОАЖдан 2010 йил давомида олган 54 миллион 153 минг сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, пул маблағини банк муассасасига топширмаган.

Албатта, ҳаётда ҳеч бир жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Х.Нарзиёев ҳам содир этган қилмишлари боис Жиноят кодексининг 184-моддаси 3-қисми ва 189-моддаси 3-қисми билан айбдор деб топилди. Фақат ўзининг қилмиши оқибатини тушуниб етган

Х.Нарзиёев тергов даврида давлат манфаатларига етказган зарарини тўлиқ қоплади. Табиийки, суд жараёнида ушбу ҳолат инobatга олинди. Яъни суд Х.Нарзиёевга жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг айбига иқроғлиги, қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганиги, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини инobatга олиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида жарима жазоси тайинланди.

Айтиш керакки, бу борада М.Абдурахимовнинг қилмишлари ҳаммасидан ошиб тушди.

М.Абдурахимов «LOTUS-AVTO» ва «KARMANA-SHIRIN SARA NONO» кичик қорхоналарига раҳбарлик қилган. 2009 йил 12 январда «Навоийдонмаҳсулотлари» очик акциядорлик жамияти билан «LOTUS-AVTO» кичик қорхонаси ўртасида 80 тонна ум етказиб бериш тўғрисида шартнома имзолангани.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Буйруқ тартибда иш юритиш жа- раёнида тарафлар даъвогар ва жа- вобгар эмас, балки ундирувчи ва қарздор сифатида эътироф этилади. Шу сабабли суд буйруғи ижро ҳуж- жати кучига эга бўлиб, берилган кун- дан бошлаб ўн кунлик муддат ўтгач, ижро этилади.

Процессуал қонун ҳужжатларида куй- йдаги талаблар бўйича суд буйруғи чиқариш назарда тутилган:

- агар талаб нотариал тасдиқлан- ган битимга асосланган бўлса;
- талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ун- дириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса;
- вояга етмаган болалар учун алимент ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш билан ёки учинчи шах- сларни жалб этиш зарурати билан боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса;
- ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенг- лаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса;
- фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар- ни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса.

Шу ўринда бевосита мисолларга му- рожаат этадиган бўлсак, З.Юнусова судга ариза билан муурожаат қилиб, С.Юнусовдан икки нафар вояга етма- ган фарзанди таъминоти учун али- мент ундиришни сўраган. Фуқаролик ишлари Бухоро шаҳар судининг 2012 йил 25 июндаги суд буйруғи билан қарздор С.Юнусовдан икки нафар вояга етмаган фарзандининг таъми- ноти учун унинг ойлик иш ҳақи ва бошқа турдаги барча даромадларининг учдан бир қисми миқдоридан али- мент ундириш белгиланган.

Шу ўринда иккинчи мисолга му- рожаат қиладиган бўлсак, амалдаги Меҳнат кодексининг 161-моддасига кўра, иш беваччи ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлмаган ҳолда ходим- лар меҳнатига ҳақ тўлаши лозим.

Бухоро шаҳар прокурори Бухоро шаҳридаги уй-жойларни ҳисобга олиш ва нотуражойлардан фойдала- ниш давлат корхонасининг ходимлари манфаатини кўзлаб, 1.967.587 сўмлик иш ҳақини ундириш бўйича суд буй- руғи чиқариш ҳақида муурожаат қил- ган. Фуқаролик ишлари бўйича Бух- оро шаҳар судининг 2012 йил 5 июнда- ги суд буйруғига биноан қарздор —

Islohot va samara

Суд буйруғи институти

фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда



Бухоро шаҳридаги уй-жойларни ҳисобга олиш ва нотуражойлардан фойдаланиш давлат корхонасининг ходимларига ҳисобланган, лекин тўлан- маган 1.967.587 сўм иш ҳақини унди- риш белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, Уй-жой кодек- сининг 133-моддасига кўра, давлат ва хусусий уй-жой фондларидаги уй- жойларнинг мулкдорлари, ижарага, арендага олувчилари ўзларига кўрсати- ладиган коммунал хизматлар учун қонун ҳужжатлари ва коммунал хиз- матлар кўрсатувчи корхоналар (ижро- чилар) билан тузилган шартномага мувофиқ мажбурий тўловларни

тўлайди.

Шу ўринда ушбу масалага оид бир мисол келтириб ўтсак. «Фарбгазтаъ- минот» унитар корхонаси Ромитан ту- мани филиали ва Расул Ярашев ўрта- сида газ етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланган. Бироқ Р. Яра- шев олти ой давомида табиий газдан фойдаланган ҳолда ҳақини тўла- маган. «Фарбгазтаъминот» унитар

корхонасининг Ромитан тумани фи- лиали судга ариза билан муурожаат қилиб, Р.Ярашевдан қарзни ундириб беришни сўраган. Фуқаролик ишла- ри бўйича Ромитан туманлараро суд- дининг 2012 йил 1 февралдаги суд буйруғига асосан Р.Ярашевдан фой- даланилган табиий газ учун 1.036.397 сўм ундириш белгиланган.

Кези келганда яна шунинг айтиш ке- раки, суд буйруғи устидан апелляция, кассация ва назорат тартибда шикоят қилинмайди, балки белгилан- ган муддатда қарздордан арз қилин- ган талабга қарши эътирозлар туш- са, судья суд буйруғини бекор қилиш

ҳақида ажрим чиқаради. Суд буйру- гини бекор қилиш тўғрисидаги аж- римда судья ундирувчи арз қилган талаб даъво ишларини юритиш тар- тибида тақдим этилиши мумкинлиги- ни тушунтиради.

Маълумки, ушбу тоифадаги фуқаро- лик ишларини даъво тартибда кўриш муайян вақт талаб қилади, чунки суд- лар процессуал қонунчиликнинг умумий талабларига мувофиқ суд муҳо- камасини ўтказиши лозим. Бу, ўз на- вбатида, суд ажримлари, статистик карточкалар, чақирув қоғозлари, қоғоз, ижро варақаси, почта ва ишни кўриш билан боғлиқ харажат ва вақт- ни талаб этади. Суд буйруғи институ- тининг жорий этилиши билан ушбу тоифадаги аризалар бўйича судья ишни кўрмасдан суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди. Яъни фуқаро- лар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортқча сансалорликсиз тартибга солиш им- конияти яратилди.

Маълумотларга кўра, фуқаролик иш- лари бўйича Бухоро вилояти судида 2012 йилнинг биринчи ярми давоми- да ёзма битимга асосланган талаблар бўйича 21.715 та, вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги талаблар бўйича 673 та; иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўлов- ларни ундириш ҳақидаги талаблар бўйича 209 та суд буйруғи чиқарилиб, ижрога қаратилган.

Шунингдек, 2011 йилнинг биринчи ярмида биргина жисмоний шахслар- нинг солиқ тўловидан қарзини унди- риш бўйича 9.756 та аризалар даъво тартибда кўриб ҳал қилинган бўлса, 2012 йилнинг биринчи ярмида маз- кур тоифадаги ишлар даъво тартиби- да эмас, балки суд буйруғи тартиби- да 3 кунлик муддатда ҳал қилиниб, ижрога қаратилди. Бир сўз билан айт- тганда, судларда низоли ишларни қисқа муддатда, ортқча сарф-хара- жатларсиз ўз ечимини топаётгани ҳам суд буйруғи институтини жорий этилгани нақадар ўринли эканлиги- ни кўрсатмоқда.

Т. ФАЙЗИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг судьяси

Fuqarolik qonunchiligi

Уй-жойга эгалик ҳуқуқи

у қандай тартибда белгиланади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Олий Суд Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги «**Якка тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоли ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида**»ги қарори ушбу тоифадаги низоли ишларни қонуний ва тўғри ҳал қилиш- да муҳим ўрин тутди. Зотан, мазкур қарорда судларга якка тартибда қурилган уй-жойлар билан боғлиқ низоли ишларни суд- га тааллуқлилиги ва уларни тўғри ҳал қилиш борасида аниқ тушунтиришлар берилган.

Пленум қарорига кўра, уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ куйидаги низоли ишларга тааллуқлидир:

- а) уйга ёки унинг бир қис- мига (улушга) бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш;
- б) умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида бир неча шахсга ёки умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида эр-хотинга тегишли уйдан улушни ажратиш (уйни бўлиш);
- в) тегишли ҳокимиятдан рух- сат олинган ҳолда уйнинг ва ёрдамчи иморатларнинг усти- га, ёнига қўшимча иморатлар қуриш ёки уларни қайта

қуришга нисбатан умумий улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари эътирози бўлганлиги;

г) уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш;

д) иштирокчиларнинг умумий улушли мулк бўлган уйдаги улушлари миқдорини ўзгартириш;

е) иштирокчиларнинг умумий улушли мулк бўлган уйдаги улушлари имтиёзли асосда сотиб олиш ҳуқуқи;

ж) уйнинг олди-сотди, айирбошлаш, ҳада ва бошқа шартномаларини ҳақиқий эмас, деб топиш;



з) ўзбошимчалик билан қурилган уйга нис- батан қонунда назарда тутилган ҳолларда мулк ҳуқуқини эътироф этиш.

Қонун ҳужжатларида белги- ланган тартибда ажратиб бе- рилган ер участкасида ўзбо- шимчалик билан қурилган имо- ратга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги, шу жумладан, ана шундай уйга нис- батан олди-сотди, ҳада, айри- бошлаш, мерос олиш, шунинг-

да қонуний никоҳдан ўтиб, Э.Бердиевга турмушга чиқ- қани, биргаликдаги турмуш- лари мобайнида 3 нафар фарзандли бўлишганини маълум қилган. Ҳазор келишмовчиликлар сабабли эр-хотин 2004 йилдан буён бирга яшашмайди. Лекин қонуний ажрашмаган.

А.Бердиевнинг аризаси- да келтирилшича, турмуш ўртоғи билан бирга яшаган даврда Риштон тумани ҳокимининг 1998 йил 1 де- кабрдаги қарори билан уй- жой қуриш учун жавобгар- нинг номига 0,10 сотих ер майдони ажратиб берил- ган. Эр-хотин бирга бу ерга 4 хонадан иборат уй-жой қуришган, аммо кейинчалик Э.Бердиев уйга хотинини киритмаган. Шу сабабли даъвогар суддан низоли уйни бўлиб беришни сўраган. Суд томонидан ушбу низоли уйга жавобгарнинг эгалик ҳуқуқи белгиланмагани сабабли, даъ- во аризаси судга тааллуқли эмас деб топилди ва даъвогар- га низоли уйга эгалик ҳуқу- қини белгилашни сўраб Риш- тон тумани ҳокимлигига му- рожаат қилиш ҳуқуқи тушунти-

рилди. Даъвогарнинг низоли уйга эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги аризаси Риштон ту- мани ҳокимлиги томонидан «низо бўлгани сабабли», деган асос билан рад қилинган.

Шундан сўнг даъвогар яна судга муурожаат этиб, жавобгар Риштон тумани ҳокимлигига Э.Бердиев номига берилган 0,10 га ерда қурилган уйга тур- муш ўртоғининг эгалик ҳуқуқини белгилаш мажбурият- ини оқлашни сўраган.

Суд тарафлар иштирокида ишни кўриб чиқди ва даъвогар- нинг талабини асосли, деб топ- ди. Риштон тумани ҳокимлиги томонидан низоли уйга Э.Бер- диевнинг эгалик ҳуқуқи белги- ланиб, шундан сўнг А.Бердиев- нинг даъвоси қаноатлантирилди.

Хулоса қилиб айтганда, якка тартибда қурилган уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини бел- гилаш билан боғлиқ ишларни тўғри ва қонуний ҳал қилиш фу- қароларнинг уй-жойга бўлган конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя этиш чораларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, бу то- ифадаги ишларни кўриш судьялардан чуқур билим ва кат- та тажриба талаб этади. Айни чоғда фуқаролар ўзларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари- ни амалга оширишда қонунда белгиланган қондаларга риоя этса, келгусида турли низо ва келишмовчиликларга ўрин қол- майди.

А. КОДИРКУЛОВ
фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судининг раиси

бурч

уни ўз вақтида адо этиш юзни ёруғ қилади

Шартнома шартига кўра, белги- ланган муддатларда, амалдаги нархларда, ажратилган фонд ва тақсимотларга асосан «LOTUS-AUTO» кичик корхонасига етказиб берилган ана шунча миқдордаги ун учун ўн беш фоиздан юз фоизгача олдидан ҳақ тўлаш мажбурияти юклатилган. Албатта, кичик корхо- на раҳбари М.Абдурахимов шарт- нома шартларини тушунмаслиги мумкин эмас. Бироқ 2009 йилнинг дастлабки саккиз ойда очик акциядорлик жамиятидан умумий қиймати 89 миллион 434 минг 700 сўмлик 217 тонна биринчи нав ун маҳсулотини олиб, 63 миллион 919 минг 800 сўм тўловни амалга

оширган. Қолган 25 миллион 514 минг 900 сўмлик ун маҳсулотидан кичик корхонага тегишли нон ишлаб чиқариш цехида нон тайёрлаб, аҳолига нақд пулга сотган. Аммо савдодан тушган пул маблағини банк муассасасига топширмай, ўзининг шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборган. Бу қилиши билан у 25 миллион 514 минг 900 сўмлик ун маҳсулотини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Биз юқорида М.Абдурахимов очик акциядорлик жамиятидан шартномага асосан 217 тонна би- ринчи навли ун маҳсулотини олгани ва цехда нон ишлаб чиқариб, аҳолига сотганини баён қилдик.

Буни эслатганимизнинг боиси шуки, М.Абдурахимов нон сотиш- дан тушган савдо тушуми — 74 миллион 303 минг сўмни ҳам банк му- ассасасига топширмай, шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборди.

Шу ўринда М.Абдурахимов раҳ- барлик қилган «KARMANA-SHIRIN SARA NON» хусусий корхонаси қонуний фаолият юритган бўлса ке- рак деб ўйланганга, адашасиз. Чун- ки нафс қутқусига учган М.Абдура- химов бу хусусий корхонада ҳам ўрганган кўнгил ўртанса қўймас қабилида иш тутди. У 2010 ва 2011 йилнинг тўққиз ой давомида нон ишлаб чиқариб сотишдан тушган, банк муассасасига топширилиши лозим бўлган 88 миллион 535 минг сўмлик савдо тушумларини ўзи- нинг шахсий манфаатларига сарф- лаган. Шунингдек, у корхона бош ҳисобчиси А.Бурҳонов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, давлат бюджетига тўлашни лозим бўлган 11 миллион 197 минг 900 сўмлик қўл миқдордаги солиқ ва бошқа маж- бурий тўловларни тўлашдан қасд- дан бўйин товлайди.

Суд судланувчи М.Абдурахимов- га қўйилган айбловнинг ҳар бир моддаси бўйича алоҳида-алоҳида жарима жазоси тайинлаб, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартиби- да, тайинланган жазоларни қисман қўшиб узил-кесил энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз баравари — 25 миллион 168 минг сўм миқдоридан жарима жазоси тайинланди.

Юқорида баён этилган воқеалар ҳақида мулоҳаза юритган ҳар бир киши қонуний фаолият юритиш, зиммадаги бурч ва мажбуриятлар- ни ўз вақтида адо этиш муваффа- қиятлар гарови бўлиши билан бирга юзни ёруғ қилишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Аксин- ча, ҳаётда зиммадаги бурч ва маж- буриятга масъулиятсизлик билан қараш, қонун талабига чап бериб, фойда қуриши уриниш ҳеч қачон изсиз кетмайди.

Буни сира ёддан чиқармаслик керак.

Бобошер ҚУРБОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти суди раисининг ўринбосари

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Insonparvarlik tamoyillari

Етказилган

зарарни қоплаш

жазони енгиллаштиришга асос бўлади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Масалан, Одил Омоновга (исм-фамилиялар ўзгартирил- ган) оид жиноят иши тафси- лотлари фикримизни тасдиқ- лайди. Гап шундаки, Бухоро шаҳридаги «Исмаат Муҳаммад- обод» хусусий корхонаси раҳ- бари лавозимда ишлаб кел- ган Одил Омонов қонунга чап бериб бўлса-да, даромад ор- ттиришни кўзлайди. Шу ният- да у ўзига ҳамтовоқлар излай- ди. Унга шерик бўлганлардан бири «Бухороуйқурилиш» ОАЖ бошлиғи Комил Иброхи- мов эди. Ҳамтовоқлар Жондор туманидаги қишлоқ хўжали- ги касб-хунар коллежи қури- лиши жараёнида нопок ишга қўл уришди. Жиноий режага биноан, дастлаб «Исмаат Му- ҳаммадобод» хусусий корхо- насининг ёрдамчи пудратчи сифатида иш бажариши тўғрисида 2008 йил 17 январь- да сохта шартнома тузилади. Аслида 207 416 100 сўмлик иш ҳажми «Бухороуйқури- лиш» ОАЖ томонидан бажари- лган бўлса-да, ҳужжатларга сохта маълумотлар кири- тиш ва қалбакилаштириш йўли билан мазкур ишлар гўёки «Исмаат Муҳаммадобод» хусусий корхонаси томони- дан бажарилган, деб кўрсати- лади. Натижада бу маблағ «Ис- маат Муҳаммадобод» хусусий корхонаси ҳисоб рақамига ўтказилади ва ҳамтовоқлар ўртасида тақсимланади.

Бироқ ҳамтовоқларнинг қу- вончи кўпга чўзилмади. Ҳуқуқ-тартибот идоралари то- монидан ушбу жиноий қил- миш фож этилди. О.Омоновга вилоят судининг 2011 йил 14 январдаги ҳукми билан қонуний жазо тайинланди.

О.Омоновнинг кўзи ана шундагина очилди. У ҳатто си- ни тушуниб етди ва давлатга етказган зарарнинг 105 000 000 сўмини қоплади. Сўнг ўзига нисбатан тайинланган жазони енгиллаштиришни сўраб, кассация ин- станциясига муурожаат қилди.

Айтиш кераки, Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги «**Жазоларни либе- раллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодийёт соҳа-**

сидаги жиноятларга нисба- тан қўллашнинг айрим ма- салалари ҳақида»ги қарори- нинг 9-бандида, Жиноят ко- дексининг 167- ва 184- мод- даларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят оқиба- тида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳ- рум қилиш тарикасидаги жа- зонинг қўлланилиши истисно этилиши, қонунинг мазкур моддаларида назарда тутил- ган шарт бажарилган ҳоллар- да апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди моддий зарар қайси судлов босқичида қопланганидан қатъий на- зар, озодликдан маҳрум қи- лиш жазосини ўтаётган шахс- га нисбатан жазо турини ўзгартириш масаласини дар- ҳол ҳал этиши лозимлиги қайд этилган.

Шу боис кассация инстан- цияси биринчи босқич суди ҳукмини қонунга мувофиқ- лаштириб, протест ва шикоятни қаноатлантиришни ло- зим топди. О.Омоновнинг оилавий шароити, айбига иқдорлиги ва қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, зарар- нинг қисман қопланганиги инобатга олиниб, унга нисба- тан 2 йил 2 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди ва қамоқдан озод этилди.

Гувоҳи бўлганимиздек, қо- нунчилигимизда ўзининг те- ран ифодасини топган инсон- парварлик, адолат тамойилла- ри шахнинг қилмишидан те- гишли хулоса чиқариб, ҳаёт- дан яна ўз ўрнини топишига катта имконият яратмоқда. Ушбу ҳуқуқий мезонлар жино- ий қилмишга қўл урган шахс- нинг жамиятдаги ўрнини сақ- лаб қолиш, оиласидаги му- ҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарликка тортиш натижасида келиб чи- қадиган ҳуқуқий оқибатлар- нинг олдини олишга замин яратаётгани билан янада аҳамиятлидир.

Бобур УМАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди раисининг ўринбосари,
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
«Куч — адолатда» мухбири

Muloqot

Газетхон савол беради...

— **Айтинг-чи, эр-хотиннинг умумий мол- мулкни бўлиш қандай тартибда амалга оширилади?**

З.БОЛТАЕВА,
Навбахор тумани

— Оила кодексининг 28-моддасига асосан, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишда ҳамда уларнинг шу мол-мулкда- ги улушларини аниқлашда, агар эр ва хотин ўртасидаги никоҳ шартномасида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, эр ва хотиннинг улушлари тенг деб ҳисобланади.

Суд вояга етмаган болалар манфаатларидан келиб чиқиб, шунингдек, эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб (масалан, эр ёки хотин уэрсиз сабабларга кўра да- ромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиндан бири умумий мол- мулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса), эр ва хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушлари тенг- лигидан чекиншига ҳақли.

Саволга юридик фанлар номзоди **С.НИЁЗОВА** жавоб берди.

Jinoyat va jazo

Ўйламай

босилган қадам кишига афсус-надомат келтиради

Бу ҳаётда ҳалолик, ростгўйлик ва меҳнатсеварлик каби фазилатлар инсонни улуглаб, уни эл-юрт олдида юзини ёруғ қилади. Бунинг акси бўлган биронинг ҳақида кўз олайтириш, ўғрилик каби иллатлар инсон шаънига доғ туширади.

Мелибой Қосимов (исм- шарифлар шартли) ўтган йил май ойида кечки оқватдан сўнг томарқасини суғориш

учун қўшни маҳалладаги ариқдан сув бошлаб келди.
(Давоми тўртинчи бетда)

Hikmat

Mulohaza

Донолар дейдиларки

Виждон яхшиликни ёмонликдан ажратадиган, инсонни ҳар доим яхшиликка йўналтирадиган кучли қувватдир.

Дилдаги адоват темирдаги зангга ўхшайди, занг темирни егани каби адоват ҳам қалбни кемиради.

Ҳақиқий олим ўзининг илми билан мақтанмайди, чунки у ўздан ҳам зўр олим ва фозил борлигини биларди.

Бир-бирдан аразлаган икки кишини келиштириш учун айтилган ёлғон сўз улар орасига совуқлик тушириш учун айтилган рост, тўғри сўздан кўра хайрлироқдир.

Одамнинг энг ширин, лаззатли ва ҳалол таъми ўз меҳнати, қўл кучи билан топган ризқидир.

Бу дунёда ҳар бир нарса ўзгаради, аммо фазилят қонунлари сира ҳам ўзгармайди.

Инсоннинг энг ишончли ёрдамчиси ўзининг ақлидир.

Юксак ҳуқуқий маданият

жамият равнақига хизмат қилади

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш вазифаси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг муҳим шарти сифатида белгиланган.



Бу борада олиб борилган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилангани ва бунинг изчил бажарилаётгани амалда ўз самараларини бермоқда. Чунки бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражаси тобора юксалаётган.

Жумладан, 1997 йилнинг 29 августида Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури қабул қилинди.

Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Ўрганиш ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши ҳам бу борада муҳим омил бўлди. Ушбу ҳужжат асосида Конституциямизни болалар богчасидан бошлаб ўргатиш йўлга қўйилди. Асосий қонуннинг мазмун-моҳиятини янада чуқур ўрганиш мак-

таб, лицей ва коллеж, августида Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури қабул қилинди.

Шу билан бирга, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар манфаати муҳофазасини кучайтиришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, суд ҳокимиятининг ўрни ва нуфузи мустақамланиб, унинг одил судловни амалга ошириш борада фаолияти самардорлиги тобора ортмоқда.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, суд тизими ходимлари нафақат фуқароларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш, балки аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам доимий эътибор қаратиб келмоқда. Бу йўналишда жойларда турли тарғибот тадбирлари ўтказилиши бораборида сайёр суд мажлислари ўтказиш ҳам йўлга қўйилган. Бу жараёнда иштираётган фуқароларга кўрилатган иш ва унинг қонуний жиҳатлари, ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида тушунча бериб ўтилиши, шубҳасиз, уларнинг ҳуқуқий маданияти шаклланишида муҳим ўрин тутарди. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти (туман ва шаҳар) судлари томонидан 2011 йил давомида 758 та тарғибот ишлари амалга оширилган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 219 тани ташкил этди.

Бундан ташқари суд ходимлари оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиб, аҳолига қонунчилик моҳиятини тушунтириб бориш ишларини ҳам мунтазам давом эттирмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳуқуқий маданият жамият ривожига муҳим ўрин тутарди. Зотан, ҳуқуқий демократик давлатда қонун барчага баробар бўлиб, бунга юксак ҳуқуқий маданият орқалигина эришиш мумкин.

Жамшид БОТИРОВ, жиноят ишлари бўйича Оқдарё тумани судининг раиси

Ҳайвонот дунёсининг сир-асрорлари бизни доимо ҳайратга солиб келади. Айниқса, ҳайвонлар орасида итлар инсонга айрича садоқати, вафодорлиги билан ажралиб туради. Тарихда итларнинг инсонга садоқатидан ҳикоя қилувчи воқеалар жуда кўп учрайди. Масалан, Париж шаҳрининг бир чеккасида жойлашган Аньер шаҳрида Барри исми итга хайкал ўрнатилган.

Ҳўш, Барри қайси хизматлари учун бундай ҳурматга лойиқ топилган?

Siri dunyo

Биз билган ва билмаган дунё

Изқувар итнинг топқирлиги

Гап шундаки, Барри XIX асрда Швейцария ва Италия ўртасидаги қор босган доводна одамларни бўрондан қутқарган, энг сўнгги жабрланувчиси қор кўчкларини остидан беҳавотир жойга судраб олиб боргунча тиним билмаган. Оқибатда эса... Баррига қўйилган хайкал лавҳида «Бу ит 40 нафар одамнинг ҳаётини асраб қолган ва 41-си томонидан ўлдирилган», деган битик бор. Ҳақиқатан ҳам, Барри қор кўчкисини остидан одамларни жонини жабборга бериб қутқарган, аммо ёрдамга муҳтож қирқ биринчи одамни тун қоронғисидан қор уюми остидан тортиб олишга уринаётганда, ҳалиги одам уни бўри деб ўйлаган ва бўғизлаб ташлаган...

1925 йилнинг бошида Алясканинг Нам шаҳрида безгак касали эпидемияси тарқалади. Одамлар ҳаётини асраб қолиш учун безгакка қарши зардоб зарур эди. Аммо қаҳратон киш Намни бутун дунёдан ажратиб ташларди. Фақат қор босган йўлдан шаҳарга дори-дармонни етказиш учун ягона восита — эскимос итлари тартадиган чаналар эди. Қисқаси, Нам шаҳрига йўл йўрига чоғи чанга ортилган дори-дармонлар билан итлар қарвони йўл олади. Қарийб эллик даража совуқ ва изғиринда минг километр атрофидаги масофани босиб ўтиши лозим бўлган бу итларни Болто лақабли ит бошлаб боради. Охир-оқибат Болто олти кеча ва кундузда дори-дармонларни Нам шаҳри аҳолисига етказишнинг урдасидан чиқарди.

Айтиш керакки, Нью-Йорк шаҳрининг Марказий хиёбонида 300 нафар одамнинг ҳаётини асраб қолган фидойи итлар рамзи сифатида Болтога ҳам хайкал қўйилган. Ушбу хайкал пойидаги тошбитикка «Бардош, вафо ва ақл», деган сўзлар битилган. Шунингдек, йўлбошчи Болто ҳақида қўллаг фильмлар ҳам суратга олинган.

Умуман айтганда, итларнинг инсонга садоқати тўғрисида яна кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Аммо ҳайратомуз ақллилиги, янаям аниқроғи, криминалистика соҳасидаги зийрак ва топқирлиги билан номи дунёга дoston бўлган Треф лақабли ит тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

1909 йилнинг декабрь ойида «Москва — Қозон» темир йўлининг Боронница бекатидан бир чакрим нарида жойлашган Кузнецова қишлоғида сирли қотиллик содир этилади. Гап шундаки, қишлоқ ахли якка-ёлғиз яшайдиган Михаил исми чолни уйда қонга ботган ҳолда топишади. Шундан сўнг маҳаллий полиция вакиллари суриштирув ишларини бошлаб юборади. Аммо улар бу борада бирон-бир натижа кўлга киритолмади. Орандан кўп ўтмай қишлоққа жиноят кидирув ишлари бўйича назоратчилардан бири Владимир Дмитриев Треф лақабли ити билан етиб келади.

Бунга қадар изқувар итларнинг бир нечта кўрик-танловларида кетма-кет зафар қозонган Треф учун бу биринчи ҳақиқий «иш» эди. Изқувар итни қотиллик содир этилган уйга олиб киришади. Эгасидан тегишли буйруқни олган ит ерни, бурчак ва хавони искаганча бирдан ўзини ҳовли

четидаги гўнг уюмига уради ва жон-ҳади билан таталашга тушади. У гўнгнинг орасидан титилиб кетган, қон излари қотиб қолган аёллар кийимини топиб беради. Афтдан, қотил қонга ботган қўлларини шу латтага артган ва уни гўнгнинг орасига кўмиб ташлаган эди. Изқувар бундай ашвёий далилни кўриб, дераб қолган ва 41-си томонидан ўлдирилган», деган битик бор экан, деган битик қилиб хулосага келади ва қишлоқ ахлидан бу ҳақда сўраб-суриштири бошлайди. Кўп ўтмай, бундан бир ҳафта муқаддам қишлоққа бир эркак ва аёл тиланчилик қилиб келгани, улар чолнинг уйига ҳам бош сўқиб ўтишгани маълум бўлади. Топилган ашё — кийим парчасидан яна бир марта хўл олган ит эса, эгасини ўй ортидаги томорқага, ундан далага ва сўнг қўшни қишлоққа олиб борувчи сўқмоққа бошлаб кетади. Қўшни қишлоқдаги уйлар орасидан елиб ўтган Треф бир кулба олдига келиб тўхтади. Кулба эгаси — қарийб қолган кампир бу эрга бир эркак ва аёл келиб, бир кеча тунаб кетишини айтиб-айтмас, Треф яна из бўйлаб югурди кетади. Треф шу югуришда қўшни қишлоққа кириб боради ва кетма-кет учта хонадон эшиги олдида тўхтаб, қаттиқ-қаттиқ хуради. Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам, ўша эркак билан аёл бу хонадонларга ҳам кириб ўтишган экан. Треф яна қишлоққа-қишлоқ югурди, унинг ортидан отларга қўшилган чаналарда бораётган изқувар эса, батомом холдан тойганди. Қолаверса, шунча исботу далиллар ва гувоҳликлардан сўнг қотилларнинг қимлиги шак-шубҳа қолмаганди. Аммо Треф тўхтамасди. Ниҳоят, қотилликда гумон қилинганлар навбатдаги қишлоққа кўлга олинди ва улар тўла-тўқис ўз айбларига иқдор бўлди.

Хуллас, ақлли Треф шу тарзда яна неча-неча сирли жиноятларни фош этди. Унинг довури ҳамма ёққа ёйилади.

Трефнинг бевосита кўмағида қанчадан-қанча жиноятлар фош этилади. Бироқ В.Дмитриев унинг садоқатини суиистемол қилади. Аниқроқ айтганда, Треф зийраклик билан фош этган жиноятларни у таъмагирлик эвазига хаспўшлашга уринади. Масалан, ўша кезларда тиббиёт академиясидан катта микдорда спирт ўғирланади. Бу ўғирликни Треф зийраклик билан фош этди. Аммо В.Дмитриев бундан атай кўз юмади. Бироқ орадан кўп ўтмай бу иш жиддий тус олади. Яъни В.Дмитриевнинг таъмагирлиги очилиб қолади ва у жазага тортилади.

Шу ўринда табиий савол туғилади: ҳўш, Треф-чи? Унинг кейинги такдири қандай кечди?

Бу саволларга жавобан шуни айтиш керакки, ит жониворнинг ҳўжайинига нисбатан меҳри баланд эди. У фақат ҳўжайинининг қўлидан овқатланар, унинг ҳўр бир айтганини сўзсиз бажарарди. В.Дмитриев жазага тортилган, Треф ҳар нарсага қарамай кўяди. Туз тотмайди ва орадан бир қанча вақт ўтиб, дунёдан кўз юмади...

Хориж Матбуоти Асосида Дилфуза ҚУЗИЕВА тайёрлади.

Maslahat

Жамоа шартномаси

уни тузишда вакиллик органларининг ўрни



Меҳнат кодексининг 23-моддасига биноан, ходимларнинг вакиллик органлари куйидагиларга ҳақли:

- музокаралар олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш, уларнинг бажарилишини текшириб туриш, иш берувчига қорхонада меҳнат тўғрисида меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш юзасидан тақлифлар киритиш;

- қорхона ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир масалаларни кўриб чиқишда қатнашиш;
- меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш;
- иш берувчи ҳамда у вакил қилган шахсларнинг қарорлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатларга

зид бўлса ёхуд ходимларнинг ҳуқуқларини бошқача тарзда бузаётган бўлса, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиш.

Вакиллик органлари ижтимоий-меҳнат муносабатларида ходимларнинг манфаатларини ҳимоя этишга қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларни ҳам, башарти бу хатти-ҳаракатлар қонун ҳужжатларига зид бўлмас, амалга оширишлари мумкин.

Шунингдек, ходимларнинг вакиллик органлари ҳуқуқларининг амалга оширилиши қорхонада меҳнат самардорлигини пасайтирмаслиги, иш тартибини бузмаслиги керак.

Анвар ХУСАНОВ, жиноят ишлари бўйича Ҳамза тумани судининг судьяси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

У томорқасидаги экинларни сўғориб бўлгунига қадар вақт алламаҳал бўлиб қолди. Сувни бекитиб, уйга қайтаётганда беҳосдан Д.Элёрв хонадонининг кўча тарафдаги деразаси очик эканига кўзи тушиб, беихтиёр ичкарига мўралади.

Қараса, уйда чироқ ёниқ, бироқ ҳеч кимнинг қораси кўринмайди. Телевизор ёнида турган қимматбаҳо қўл телефонни кўриб, Мелибойнинг нияти бузилди. Очик деразадан хонага кириб, умумий баҳоси 260.000 сўмлик иккита қўл телефони, 300.000 сўмлик тилла занжир, 300.000 сўмлик тилла балдоқ, 100.000 сўмлик эркаклар никоҳ узуги, нархлари 250.000, 280.000 ва 200.000 сўмлик аёллар тилла узуклари ва 30.000 сўм нақд пулни олиб, воқеа жойидан яширинди.

Эртаси куни эрталаб ҳеч нарсдан беҳабар Д.Элёрв телефонини турмуш ўртоғидан сўрайди. Телефон қидира туриб, хонадон бекаси ўзининг тилла тақинчоқлар солинган қутиси ҳам йўқлигини сезиб қолади. Ана шундан кейингина улар уйларига ўғри тушганини билиб, туман ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилишди.

Буни қарангки, ён маҳалладаги қўшнисининг шунча бойлигини «туя» қилган М.Қосимов бу вақтда худди ҳеч нарса кўрмагандек, қолаверса, жиноят изини яшириш мақсадида қўшни давлатга жўнаб қолади. У вақт ўтиб, қилмишлари унутилишидан умидвор эди. Бироқ ўйлаганлари хомхаёл бўлиб қиди. Ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари олиб борган тезкор қидирув-суриштирув ишлари натижасида Д.Элёрвнинг хонадонидан ўғирланган «Нокиа-6300» русумли қўл телефони ҳамқишлоғи Шавкатда эканлиги аниқланди.

Дастлабки тергов пайтидаёқ Шавкат қўл телефонини М.Қосимовдан сотиб олганини тан олди. Шундан сўнг жиноятчи қўшни давлатдан ушлаб келинди. Энг қизиғи, у ҳам биринчи терговдаёқ барча айбларини бўйнига олиб, жабрланувчига етказилган зарарни ихтиёрий равишда қоплаш ниятида эканлигини айтди.

Жиноят ишлари бўйича Чортоқ тумани суди ушбу жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқиб, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, М.Қосимов қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олиб, унга нисбатан амалдаги қонунчиликда

Jinoyat va jazo

Ўйламай босилган қадам

кишига афсуснадомат келтиради



кўзда тутилган жазо турини тайинлади. Юқоридаги воқеадан келиб чиқадиган хулоса шуки, қонун устувор бўлган жамиятда ҳеч қандай жиноят жазосиз қолмайди. У хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик, албатта, ўз қонуний баҳосини олади. Қонунни четлаб ўтман, деган устумонлар эса, М.Қосимов каби ер қизиб қолади.

Озоджон ЗИЯВУДИНОВ, жиноят ишлари бўйича Чортоқ тумани судининг раиси ИКРОМЖОН ОРИФЖОНОВ, «Куч — адолатда» мухбири

Куч—АДОЛАТДА

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигиде 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Бўритош МУСТАФОЕВ Шерали РАҲМОНОВ Боқижон ЯҲЁЕВ Жаҳонгир ХАЙДАРОВ Мавжуда РАҲАБОВА Нуриддинжон ИСМОИЛОВ

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ Мухаммад АЛИ Омонбой ОҚОЛОВ Холмўмин ЁДГОРОВ Шоюнус ҲОЗИЕВ Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир

Отабек САҒАРОВ Саҳифаловчи Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru. Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56. Бюролма: Г-716. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нарҳда. Адади: 7699. 1 2 3 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰